

## **Ибрат ва миллий менталитет тақомили**

*ф.ф.н., доц. Тошбоев Б  
ф.ф.н., доц. Амонлаев А  
ЖДПИ тарих факультети  
ўқитувчилари*

**Аннотация:** Мазкур мақолада ибратнинг миллий менталитет тақомилида тутган ўрни илмий-назарий асосланган. Шунингдек, миллий менталитет, ибрат ва тақлид тушинчалари таҳлил қилиниб, муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** менталитет, миллий менталитет, миллий характер, ибрат, тақлид, миллий маданият, миллий ахлоқий урф-одат ва анъаналар, жамият, бирлик.

Ўзбекистонда янгича дунёқарашни шакллантиришга қаратилган бугунги кундаги ислохатларда миллий менталитетни тақомиллаштиришга эътибор қаратиш ва уни қадрият нуқтаи назардан ўрганишга эҳтиёж борлиги сезилади.

Шу ўринда менталитет тушунчасининг мазмун-моҳияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш жоиз деб топдик. «Менталитет» тушунчаси асосан, халқларнинг мустақиллик даври билан боғлиқ ижтимоий-фалсафий категория сифатида тадқиқот объектига айланди. Бу тушунча шўролар даври на тарихий, на фалсафий, на бадий-адабий луғатларида, энциклопедияларда ёритилмаган эди. Шунинг учун бўлса керак менталитет тушунчасининг моҳияти, ўзига хос хусусияти ва тараққиёт эволюцияси ҳақидаги илмий-назарий қарашларда ҳам яқдиллик сезилмайди, аксинча, кўп ҳолатларда уни миллий характер ва миллий ахлоқий урф-одат ва анъаналар бирлигидан ташкил топади, деган тушунча кўпроқ тарқалган.

«Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммобоп луғат»ида «Менталитет (лотинча – ақл, идрок) – жамият, миллат, бирлик ёки алоҳида шахснинг тарихан таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда

шаклланган ақлий қобилияти, рухий қуввати»<sup>1</sup> сифатида қаралган бўлса, ушбу муаммонинг фалсафий таҳлилига бағишланган бошқа бир манбада эса, «Менталитет – элат, халқ, миллат, жамоа, гуруҳ, шахснинг тарихий босиб ўтган йўли, био-физиологик ривожланиши, иқтисодий, сиёсий, маънавий, диний, экологик, маиший ҳаёт уйғунлиги таъсирида шаклланган, таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий, ақлий салоҳияти, ҳаётий муаммоларга қарши тура олиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган фикрий қобилияти бўлиб, у жамият тараққиёти иқтисодий-сиёсий даражаси, маънавий камолотида ҳал қилувчи омилдир»<sup>1</sup> деб таъриф берилган.

Келтирилган биринчи таърифда жуда кўп ва бир-бири билан мантиқан боғланмаган жиҳатлар, жараёнлар қориштириб юборилган. Биринчидан, «жамият» ва «бирлик»нинг тафаккур даражаси дейиш мумкинми? «Менталитет» деганда биринчи навбатда муайян муҳитда таркиб топган ва муайян жамиятда, даврда яшаётган халқ, миллат кўзда тутилмайдими? «Жамиятнинг», «бирликнинг» тафаккур даражаси бўлмайди, аксинча, жамиятда яшаётган халқ ва миллат шаклида шаклланган одамларнинг тафаккур даражаси бўлади. «Ҳаёт қонунларини таҳлил қилиш» ёки «рухий қувват» иборалари ҳам менталилет тушунчасига зўрма-зўраки ёпиштирилган. Бундан ташқари «жамият менталитети» ибораси ҳам мавҳум ва муаммонинг ойдинлашувига хизмат қилмайди. Менталитет сўзи одам ва миллатга нисбатан ишлатилади. Иккинчи таърифда масала моҳияти очилган бўлсада, лекин у бироз кенгайиб кетган.

Фалсафа бўйича энциклопедик луғатда эса юқоридаги таърифга нисбатан бошқачароқ таъриф берилган. Унда «Менталитет – (лотинча – ақлий) айрим киши ва ижтимоий гуруҳга хос ақлий қобилият даражаси маънавий салоҳият»<sup>2</sup> дейилади.

Бу таъриф аввалги келтирилган таърифга нисбатан бироз ихчамланган бўлса-да, менталитетдай мураккаб тушунчани тўла-тўқис ва ойдин қамраб

<sup>1</sup> Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммобоп луғат. – Тошкент.: Шарқ, 2006. 191- б.

<sup>1</sup> Мадаева Ш. Ўзбек менталитетида демократик тафаккурнинг шаклланиш хусусиятлари. Фалс. фан. док. илм. даража олиш учун ёз. дисс. – Тошкент.: 2009. 33- б.

<sup>2</sup> Фалсафа энциклопедик луғат. – Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. 181- б.

олмаган. Бу таърифда ҳам бир миллат менталитетини бошқа миллат менталитетидан фарқлашда ақлга, маънавий салоҳият даражасига урғи берилмоқда.

Агар бу таърифга жиддий эътибор берилса, миллатлар менталитети бўйича уларнинг ақлли, ақли ўрта, ёки ақли пастроқ даражаларга ажратиш хавфи туғилади. «Фалсафа қомусий луғат» да ҳам менталитет ақл, идрок тарзида зикр этилиб, «Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат»даги фикрлар, жумлалар айнан такрорланади.

Мазкур муаммога бағишланган тадқиқотлар орасида тарихчи Р.Х.Муртозаеванинг фикр-мулоҳазаларида муаммонинг мураккаблиги ва ўзига хослиги хусусида диққатга сазавор жиҳатлар мавжуд.

Р.Муртозаева кўриб ўтган манбаларда менталитет мазмун-моҳияти ҳақида баён этилган жамият, миллат, бирлик ёки шахсининг «ақли, фахми, зехни, идроки» деган таърифдан кўра анча конкрет ва ҳақиқатга яқинроқ мулоҳазалар билдиради. «Миллий менталитет (лотинча *mentalis*) – ақл, фикрлаш, фикрлаш тарзи. Яъни халқнинг миллий ўзлиги, миллий ўз-ўзини англашни тушиниш лозим»<sup>1</sup>.

Биринчидан, Р.Муртозаева «менталитет» атамасига «миллий» сўзини кўшиб, масалага анча ойдинлик киритади; иккинчидан, менталитет ҳақида гап кетганда конкрет элат ёки миллатнинг фикрлаш тарзини инобатга олишни тўғри таъкидлайди; учинчидан, менталитетни халқнинг миллий ўзлигини англаш билан боғлаб муаммо ечимига тўғри ёндашган.

Демак, миллий менталитет умуман одамзотга, бошқа элат ва миллатларга ҳам тегишли, таллуқли бўлган фазилатларнинг тарих тақозоси, миллат ижтимоий-маънавий тажрибасига биноан бирор миллатда ёрқинроқ фазилат сифатида шаклланиб боришидир.

Юқоридаги умумий ёндошувларга асосланиб миллий менталитетга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

---

<sup>1</sup> Муртозаева Р. Ёшлар ва ўзбек менталитети хусусиятлари. Шахс баркамоллиги: ахлокий-эстетик жиҳатлар. ЛСА – Япония ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда бўлиб ўтган халқаро конференция материалари. – Тошкент.: 2012. 11- б.

Миллий менталитет – бирор миллатнинг этник тарихи, тили, диний эътиқоди, характери, дунёқараши, расм-русум ва анъаналари, табиат, инсон ва жамиятга бўлган муносабатини ифодалайдиган турмуш ва тафаккур тарзидир.

Юқорида келтирилган фикрлардан ангалаш мумкинки, дунёқарашни янгилаш учун аввало халқнинг турмуш ва тафаккур тарзини бугунги кун талабларга ҳамоҳанг тарзда ислоҳ қилиб бориш талаб этилади. Бунинг учун эса аввало миллий менталитетни ислоҳ қилишнинг тактикаси ва стратегиясини ишлаб чиқиш лозим.

Бизнингча, миллий менталитетни такомиллаштиришда этика категория, тамойил ва меъёрлари тактик вазифани ўтайди. Шу ўринда биз этика категориялари ичида муҳим ўрин тутувчи “ибрат” тушунчасининг миллий менталитетни такомиллаштиришдаги ўрнини асослашни мақсадга мувофиқ деб топдик.

“Ибрат” – инсон ва жамият ҳаётида табиий жараёнлар, ижтимоий ҳодисалар, диний, ахлоқий, бадиий қадриятлар тарзида шаклланган, авлоддан-авлодга ўтиб, ҳар бир муайян шахс руҳиятига сингиб, ундаги инсоний фазилатларга сайқал берадиган ҳикматлар, анъаналар, қадриятларни ақлу заковат, фаҳм-фаросат уйғунлигида англашга бўлган табиий маънавий эҳтиёж мужассамидир.

Ушбу таъриф мантиғидан келиб чиқиб, ибратнинг феноменал ҳодиса сифатида ботиний ва зоҳирий хусусиятларини тавсифлаб унинг ботиний асоси инсон руҳияти, қалбидаги туйғуларда акс этса, унинг зоҳирий томони ҳаёт деган дорулфуннинг кўзгусида намоён бўлади, деган умумназарий хулосага келиш мумкин.

Маънавиятимиз ўзаги, миллий маданиятимизнинг кўзгуси бўлган ислом дини таълимотларида ҳам барча нарсага ибрат назари билан қарашга бежиз даъват этилмаган.

Улуғ мутафаккир А.Авлонийнинг фикрича “Бизим шариати исломияда “ахлоқли ҳасана” – яхши хулқлар билан хулқланмак, ҳар нарсага ибрат кўзи

билан боқуб, хулқини тузатмак вожибдир” [5,с.47]. Ибрат кўзи деганда ҳар нарсдан яхши ибратли, керакли нарса ва сифатларни ажратиб олишни тушунмоқ керак. Президент Ш.М.Мирзиёев ушбу масала хусусида тўхталиб, «... бизнинг қадимий ва саҳоватли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саҳовати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади»<sup>1</sup> деган концептуал ғояни илгари суради. Халқимизга хос бўлган ва унинг менталитетининг асосини ташкил қилувчи жиҳатлардан ёшларда ибрат олиб яшаш туйғусини шакллантириш бизнингча, ҳозирги кун ислоҳатларига лаббай дея жавоб берувчи шахсни камол топтиришда муҳим ўрин тутди.

Кўп ўринларда миллий менталитетда ибратдан кўра тақлид қилишга интилиш яққол кўзга ташланади.

Шунга кўра ибрат билан тақлиднинг асосий ўхшашлиги, фарқи ҳамда хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан асослаш шахсда фазилат ва ижобий хислатларнинг шаклланишида алоҳида аҳамият касб этади.

Аввало ибратнинг тақлиддан асосий фарқи шундаки, ибратда моҳият бор. Шахснинг муайян жараён, ҳодиса ҳамда воқеликдан ибрат олишининг биринчи ва энг муҳим босқичи ана шу ҳодиса ёки воқеликнинг моҳиятини англашдан бошланади.

Тақлидда эса кўпроқ қизиқиш ҳамда иштиёқ туради. Қизиқиш билан иштиёқ, юзаки қараганда, муайян жараён моҳияти билан боғлиқдек кўринса-да, аслида у инсон ҳис-туйғуларининг ўзгарувчанлик хусусиятлари билан кўпроқ боғлиқ.

Ибрат билан тақлиднинг шахс фазилатидан ё ибрат тарзида ёки тақлид сифатида ўрин олиши кўп жиҳатдан инсоннинг мустаҳкам иродаси, муддаолари ҳамда, энг муҳими, ниятига боғлиқ.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимининг қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж.1. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. 295-б.

Агар киши бирор нарсани ўрганиш ёки хулқидаги ёмон сифатларни ўзи таъсирланган ибратли ҳолат асосида бартараф этишни ният қилган бўлса ва уни амалга ошириш учун ўзининг иродасини қўлга олиб қатъий сайъи-ҳаракат қилса, мақсадига албатта эришади.

Аmmo нияти барқарор бўлмай, иштиёқи суст бўлса, у ўша ибратли ҳолатга тақлид қилиш билан чекланади, холос.

Юқоридаги мулоҳазалар моҳиятидан келиб чиқиб тақлидга қуйидагича муаллифлик таърифини бериш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

«Тақлид – индивиднинг мустақил шахс мақомига эришиши ва камолоти жараёнидаги ҳаётий кузатишлари, қизиқиши, иштиёқи ҳамда майлларини ўзида мужассамлаштирган, унинг хулқ-одоби, тарбияси, билими асосида таркиб топадиган истакларининг ҳиссий-эмоционал тарзда намоён бўлиш шаклидир».

Тақлиднинг ижтимоий-тарихий заминини англаган эҳтиёж билан боғлиқлиги кўп ҳолларда унинг ибрат даражасига ўсиб боришига олиб келади. Бунинг учун шахс энг аввало ўзининг миллат ва халқининг тарихий ўтмиши, қадриятлари, аждодлари қолдирган илмий-ижодий мероси ҳамда, энг муҳими, халқнинг ҳаётбахш удуми, таомили, анъаналаридан бохабар бўлиши зарур.

Шу боисдан ҳам тақлидни ибрат даражасига кўтармоқ учун кишида ақл, билим ва фаросат уйғунлиги бўлиши шарт. Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- Халқимизга хос бўлган ва унинг менталитетининг асосини ташкил қилувчи жиҳатлардан ёшларда ибрат олиб яшаш туйғусини шакллантириш ҳозирги кунда муҳим аҳамият касб этади;

- Шарқ ва Ғарб мумтоз файласуфлари, донишманд ва адиблари ижодида ибрат масаласи ахлоқий тарбия тизимида катта маънавий омил эканлиги, ибрат фақат бошқадан ибрат олиш эмаслиги, шунингдек, ибрат олувчи шахснинг ўзида ҳам муайян лаёқат, билим ва тажриба зарур эканлиги қайд этилади;

- миллий менталитет миллат ва шахсининг тафаккур ва маънавий фаолият тарзини белгиловчи ижтимоий ҳодисадир;

- миллий менталитет миллий характерга нисбатан кўпқатламли маънавий бирлик бўлиб, миллий характер намоён бўлиши ва амал қилишининг асосини ташкил этади;

- миллий менталитет ижтимоий-тарихий ҳодисалар таъсирида маълум даражада ўзгаради. Айрим ҳолларда ундаги ижобий фазилатлар ўрнини салбий белгилар эгаллаши мумкин. Ўзбек халқи менталитетида хонлиқлар даври, мустабид тузум шароитида ана шундай ҳолатлар юз берди;

- мустақиллик миллий менталитетнинг соф, асл хусусиятларини тиклаш, миллат онги ва характерида ўзликни англаш ва миллат истиқболи билан боғлиқ янгидан-янги ментал фазилатлар шаклланишига кенг имконият яратиб берди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. - 536 б.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2006. – Б. 170.
3. Очилова Б. Ихлосмандликка мерос ва ворисийлик уйғунлиги. – Тошкент, 2006. – Б. 45.
4. Тафаккур журнали – Тошкент, 2003. – № 1. – Б. 31.
5. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1999. II-жилд. – Б. 47.
6. Ғаззолий Абу Ҳамид. Аё ўғлон! А.Зоҳидий таржимаси. А.Шер таҳрири остида // Мактабгача тарбия. – Тошкент, 1993. – № 9-10.
7. Гримак Л.П. Резервы человеческой психики. – М.: Политиздат, 1989.